

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Ўринов, Д.Усмонов Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун Коши-Гурса масаласи	6
А.Ғойипов Бир номаълумли модулли тенгламаларни ечишнинг бир усули ҳақида	18

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров Автомобиль чиқинди газларини каталитик тозалаш	25
Ғ.Мадраҳимов, М.Ҳожиматов, И.Асқаров 1-(2-карбокисфенил)-1'-п-метил оксиферроценил тизоамид синтези ва унинг биостимуляторлик хоссалари	31
Ш.Каримов, Н.Хабибуллаева, А.Хаитбаев <i>Leptinotarsa decemlineata</i> (Say) таркибидан хитозан ажратиш олиш	36
И.Асқаров, Ф.Абдугаппаров, М.Хожиматов Амигдалиннинг кимёвий хоссалари ва инсон саломатлигига таъсири	42
А.Йўлчиев, К.Джамолов, И.Асқаров, М.Мўминов Мувозанатлаштирилган гранулаланган омихта ем таркибини бойитиш	49
Х.Исмоилов, О.Саримсоқов, С.Хайдаров Пахта пневмотранспорти учун материал ўтказгич конструкциясини ишлаб чиқиш	53
У.Мараимова, И.Жалолов, Г.Бегматова, С.Арипова Ўзбекистонда ўсадиган <i>goetmeria hybrida</i> даги кимёвий элементларнинг микдорий таркибини аниқлаш	57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

Г.Халматжанова, А.Ғофуров Кластер тизими ривожда сув ресурслари салоҳиятини ошириш	62
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

И.Сиддиқов Ўрта асрлар ислом гносеологияси ва теологиясининг ўзаро синтезлашуви	68
---	----

ТАРИХ

М.Исамиддинов Қадимги Марғиёна ва Бақтрия ҳудудидаги яз-II археологик комплексларини даврлаштириш масалалари	75
И.Мамадалиев, Тим Брэгер Ўрта Осиё Россия империяси таркибида	79
Р.Арслонзода Ўзбекистонда мактаб тарих таълими тизимининг шаклланиши	85
А.Йўлдашев XX асрнинг 20-йилларида европада таълим олган ўзбек қизи	90
Д.Абдуллаев XX асрда Ўзбекистон аҳолиси тақдирланишининг архив манбаларида акс эттирилиши	95
Н.Рахматова Мустақил Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда каштачилик ва касаначиликнинг ўрни	102

УДК: 28-752(09): 37.018.56(04)

**XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИДА ЕВРОПАДА ТАЪЛИМ ОЛГАН ЎЗБЕК ҚИЗИ
ДЕВУШКА-УЗБЕЧКА, ОБУЧАВШАЯСЯ В ЕВРОПЕ В 20-Е ГОДЫ XX СТОЛЕТИЯ
UZBEK GIRL STUDYING IN EUROPE IN THE 20S OF THE XX CENTURY**

Йўлдашев Абдували Абдумуталибович¹

¹Йўлдашев Абдували Абдумуталибович

– Ўз ФА Тарих институти таянч докторанти

Аннотация

XX асрнинг 20-йилларида Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларидан кўплаб маҳаллий ёшлар хориж мамлакатларида таълим олиш учун юборилди. Ана шу ёшлар орасида оз сонли бўлса ҳам қизлар бор эди. Улар Германияда медицина, педагогика, таълим-тарбия каби соҳаларда ўқидилар. Ушбу мақола Дармштадт шаҳридаги ўқитувчилар семинариясида таълим олган Хайринисо Мажидхонованинг хориждаги таълимига бағишланган. Унда Хайринисо Мажидхонованинг таълими жараёнидаги муаммолар, ютуқлар ва унинг тақдирига оид манбалар илмий таҳлил этилган. Мақолада бирламчи архив манбалари ва мавзуга доир илмий адабиётлардан фойдаланилган.

Аннотация

В 1920-е годы XX века многие местные молодые люди из Туркестана, Бухары и Хорезма были отправлены на учебу за границу. Среди этих молодых людей было небольшое количество девушек. Они учились в Германии по таким направлениям, как медицина, педагогика, образование. Статья посвящена учебе за рубежом Хайринисо Мажидхановой, учившейся в учительской семинарии в Дармштадте. В ней дается научный анализ проблем, достижений и истоков образовательного процесса Хайринисо Мажидхановой. В статье использованы архивные первоисточники и научная литература по данной теме.

Annotation

In the 1920s, many local young people from Turkestan, Bukhara, and Khorezm were sent abroad to study. Among these young people, there were a small number of girls. They studied in Germany in such fields as medicine, pedagogy, and education. The article is devoted to the study abroad of Khairiniso Majidkhanova, who studied at the teachers' seminary in Darmstadt. It provides a scientific analysis of the problems, achievements and origins of the educational process of Khairiniso Majidkhanova. The article uses primary archival sources and scientific literature on this topic.

Таянч сўз ва иборалар: Мажидхон, “Кўмак” уюшмаси, Маориф комиссарлиги, Германия, Олимжон Идрисий, Дармштадт, Марьям Султонмуродова, Париж.

Ключевые слова и выражения: Мажидхан, общество “Кумак”, Комиссариат просвещения, Германия, Алимжан Идрис, Дармштадт, Марьям Султанмуродова, Париж.

Key words and expressions: Majidkhan, “Kumak” society, Education Commission, Germany, Alimzhan Idris, Darmstadt, Mariam Sultonmurodova, Paris.

XX асрнинг 20-йилларида Туркистон зиёлилари томонидан маҳаллий ёшларни хориж мамлакатларига юбориб, мамлакат учун малакали кадрлар тайёрлаш учун ҳаракат бошланди. Бунинг натижасида ҳукумат ва ўз маблағи ҳисобидан иқтидорли ёшларнинг бир гуруҳи Германияга бориб таълим олди. Улар орасида маҳаллий қизлар ҳам бор эди. Бу ҳодиса ўз даври учун ўзига хос янгилик ва ижтимоий муҳитнинг тор доирадаги қарашларига зид бир воқеа эди. Чунки XX асрнинг 20-йилларида эскидан мавжуд Туркистон маданий ҳаётида аёлларга бўлган муносабат ва эскича қарашга эга кишиларда уларга эркинлик беришдек юзларини очиб, мактабларда таълим олиши жуда кам учрайдиган ҳолат

эди. Хайринисо Мажидхон қизи йигирманчи йиллар бошларида ана шу занжирларни узиб иқтидорли йигитлар қатори чет мамлакатга бориб, таълим олишга муваффақ бўлган дастлабки ўзбек қизларидан эди.

Хайринисо Мажидхон қизи ҳақида Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб филолог олим Шерали Турдиев изланишлар олиб борди ва Германияда ўқиган талабаларга оид мақолалар ҳамда монографияларини нашр қилди [1]. Қуйидаги мақолада бир қатор манбалар билан бирга Ш.Турдиев тадқиқотларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Хайринисо Мажидхон қизининг хорижга бориб таълим олишида отасининг

ТАРИХ

хизматлари катта бўлган. Бу оила Тошкентнинг Миробод маҳалласида истиқомат қилиб, янги шаҳар қисмига яқин эди. Архив ҳужжатларида унинг Катта Миробод, 27-уйда истиқомат қилгани ёзилади [2]. Унинг маҳалласи Тошкентнинг янги шаҳар қисмига яқин бўлиб, у ерда турли миллатларга мансуб зиёлилар муҳити шаклланган эди. Хайринисонинг отаси қизларига замонавий таълим беришга ҳаракат қилган. Ш.Турдиевнинг ёзишича: “ўз даврининг мутаассиб руҳонийлари Мажид оқсоқолнинг қизларини юзини очиб ўқиб юришларини қоралаганлар ва унга “Мажид ўрис”, “Мажид кофир”, деб лақаб берганлар” [3,63]. У ўз даврида маърифатпарварларнинг ғояларига хайрихоҳ киши бўлиб, чет мамлакатлардаги ўзгаришлардан яхши хабардор бўлган.

Х.Мажидхонова опаси Ойпошша билан Миробод маҳалласида ўзбек, татар ва рус қизлари даврасида катта бўлди. Бу, унинг дунёқарашининг ўсишига ва жамиятда қизларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилган Хайринисога таъсир этган бўлиши табиий. Тошкентдаги янги усул ва рус мактабларида таълим олаётган Туркистон ёшларининг иқтидорлиларидан бир гуруҳини хориж мамлакатларига юбориш масаласи кўтарилди. Жадид зиёлилари ва иқтидорли ёшларнинг ташаббуси билан 1922 йил май ойида Саидали Усмонхўжа бошчилигида “Кўмак” номли жамият тузилиб, хорижга талаба юбориш ишлари амалга оширилди.

1922 йил 10 августдаги “Кўмак” уюшмасининг йиғилишида хорижга кетувчи талабалар рўйхати шакллантирилган. Тузилган рўйхатда 15 киши бўлиб, унга Хайринисо Мажидхонова ҳам киритилган эди [4].

“Кўмак” жамияти ўзининг низомида хорижга талаба юбориш ва уларнинг моддий таъминотини биринчи навбатда Туркистон ҳукуматидан кутиши кўрсатилган эди [5]. Уюшманинг ўзи ҳам бир қатор тадбирларни амалга ошириб халқдан хайрия маблағларини тўплади. Ўша вақтда ҳукуматнинг турли ташкилотлари ҳомийлигида 10 нафар ёшлар чет мамлакатларда ўқиш имкониятига эга бўлди [6]. Туркистон ёшларининг хорижда ўқиш истагидаги айримлари қўшни Бухоро республикасининг маблағи билан, яна бир нечтаси ўз имкониятидан фойдаланиб, чет

мамлакатларда ўқиш учун йўлга чиқди. Ўз маблағи билан кетувчи ёшларга “Кўмак” уюшмаси ҳукуматдан хориж ҳужжатларини олишда амалий ёрдам берган. Шу вақтда Туркистон Маориф комиссарлиги бир нафар талабанинг таълим жараёнидаги моддий эҳтиёжларини қоплашни ўз зиммасига олади. Ушбу номзод Хайринисо Мажидхон қизи эди. Шу билан Туркистон ҳукумати стипендиатлари сони 11 нафарга етади.

1922 йил 12 сентябрда Маориф комиссарлиги томонидан олинган мажбуриятда, Хайринисо Мажидхонованинг Германияда таълим олиши учун доимий равишда стипендия билан таъминлаш ва 5 йил давомида унга моддий кўмак беришни ўз зиммасига олган [7].

Маориф комиссарлиги билан Х.Мажидхонова ўртасида тузилган шартномада ҳам бу ўз аксини топган. Унга кўра, Маориф комиссарлиги Хайринисонинг Германияга бориши ва келишидаги йўл харажатлари, таълим жараёнидаги моддий таъминотни ўз зиммасига олган. Ўз навбатида Х.Мажидхонова Германиядаги таълимини тамомлагач, Туркистонга қайтиб Маориф комиссарлиги идораларида орттирган замонавий илмлари билан хизмат қилишни ўз зиммасига олган [8].

Х. Мажидхонова Германияга кетаётган вақтда 18 ёшда бўлиб, Тошкентдаги ишчи факультетининг талабаси бўлган [9]. Маориф комиссарлиги томонидан юборилишига қараганда, у педагогика соҳаси бўйича таҳсил олишни мақсад қилган. Қолаверса, ўша даврда маориф тизимида фаолият олиб борган қизлар сони жуда кам бўлиб, ушбу соҳа учун замонавий таълим олган мутахассисларга эҳтиёж бор эди.

Хорижга таълим олиш учун бораётган ўзбек қизининг жасорати 20-йилларнинг бошларидаги зиёлиларнинг эътиборига тушди. Улар ўзбек қизининг бундай қаҳрамонлигини мақола ва шеърларида олқишлар билан тилга олдилар. Ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли (Чўлпон) “Қизил байроқ” газетасининг 1922 йил сентябрь ойидаги сонидида босилган мақоласида ҳанузгача ўзбек қизларининг янги усул мактабларига кириб эркин ўқий олмаётгани, ҳаттоки юзида пардаси бўлмаган, эркинлиги ўзида бўлган ўғил болалар ҳам юқори мактабларнинг мухташам сахналарида кўплашиб юра олмаётган бир даврда, ўзбек қизининг ота-

онасининг тилсиз қўғирчоғи бўлишдан қутулиб, хорижда таълим олишини юксак баҳолайди. У “Ўзбек хотин-қизлари ҳуқуқ ва эрки учун кураш бошламоқда. Ўзбек қизининг ғарбга, ғарбнинг чин билими, чин маданиятига қараб юриши унинг ҳақ-ҳуқуқларини, бутун элининг ҳақ-ҳуқуқи билан бирга тез фурсатда қўлга киритгусидир” [10], деб ёзади.

Шоир Маҳмуд Ҳодиев (Боту) эса Хайринисонинг Берлинга жўнаши муносабати билан ёзган “Кичик армуғоним” номли шеърида шундай ёзади:

*Қора турмуш чангалидан қутулиб,
Эрк чечагин теша олган кучли қиз.
Эски одат санамларни парчалаб,
Эрк-тангрига сажда қилган руҳли қиз.
Йўлинг тўғри, ортга боқма, кета бер,
Илгарилаш ашуласин айта бер!* [3. 64]

Хайринисонинг четга кетиши муносабати билан унга юборилган табрик хатларига жавобан отаси Мажид оқсоқол ҳам матбуотда ўз миннатдорчилигини билдиради ва “... Билим учун узоқ элларга биринчи ўзбек қизини юбориш шарафи, шукурлар бўлсинким, менга насиб қилди”, [11] дея бу ишдан қувонади.

Туркистон ёшлари Германияга 1922 йилнинг ноябрь ойида етиб борадилар. Ҳукумат томонидан уларга 1923 йилнинг июнь ойигача маблағ берилган эди. Бу даврдаги иқтисодий қийинчиликлар ва пул инфляциясининг ошиб бориши натижасида рўй берган моддий қийинчиликларга қарамай, пулни тежаб, таълим олишга мажбур бўладилар.

Х. Мажидхонова ҳам ўз тенгдошлари қатори 1922 йилнинг 19 ноябрида Германияга боргач, Берлинда яшаш учун жойлашди. Дастилаб таълим олиш учун зарур бўлган немис тилини ўрганишга киришган. Берлин университети қошидаги 6 ойлик тил ўрганиш курсида таълим олиш билан бирга қўшимча маблағ сарф қилган ҳолда хусусий дарслар ҳам олган. Хайринисо Мажидхонова Туркистон Республикаси Маориф Халқ комиссарлиги қошидаги “Туркистон талабаларининг стипендия комиссияси” га йўллаган мактубида 1922/23-ўқув йилида амалга оширган ишлари юзасидан қисқача тўхталиб ўтади. У немис тилини ўрганиш билан бирга умумий фанларни ҳам ўқишга тўғри келганлигини, бунинг сабаби қилиб: “... мен Туркистонда ўрта мактабни битирганим

йўқ эрди. Кирадурган мактабимга олмонларнинг ўрта мактабини битирган ёки шу шул баробарида маълумоти бўлиши шартдир”, [12] деб кўрсатади.

Бундай ҳол кўплаб туркистонлик талабалар бошига тушган. Немис маориф нозирлиги томонидан ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги шаҳодатномалари бўлмаган ёки билими етарли деб топилмаган ёшлар қўшимча фанларни ўқиб шаҳодатнома олгач, олий ўқув юртларига топширишлари лозим бўлган. Саттор Жаббор, Вали Қаюм, Баҳовиддин Амин каби ёшлар ана шу ҳолга тушадилар ва дастилаб ўрта мактабни ўқиб, имтиҳон топширгач, олий ўқув юртларига ўқишга кирганлар [13].

Х.Мажидхонова Германияда ўқиш учун танлаган таълим даргоҳи ҳақида қуйидагича маълумот беради: “Кирадурган мактабим 4 йиллик бўлуб муаллимлар семинарияси. Ҳозирги тайёрланиб туришимда 1924 йилнинг октабрида мактаблар бошланадир. Кирмакка қодир бўлсам керак”, деб ёзади.

У сарф-харажатлари масаласига тўхталиб: “Хусусий дарсимни яхши ерларда кетмаганига пулнинг камчилиги ҳам баъзи вақтлар вақтида келмагани маълум бўлади. Буни баробар ўрта мактабга кирмак хусусий кириб пул сарб қилиб ўқушимнинг сабаби кўзлаган мактабимга тезлик билан кириб ўқишдир”, деган маълумотларни сабаб қилиб кўрсатади. Германияда таълим олишдан асосий мақсадини эса қуйидагича изоҳлайди: “Ҳар ҳолда шул училишин пайида мактубни ёзиб Туркистонни қоронғу ҳақолина хотин-қизлар дунёсига ёрдам бериши ва уларнинг ёруғлиққа чиқоришга чолшмоқни мени бурчим деб биламан” [12], деб ёзади.

Х.Мажидхонова 1922-1924 йилларда Берлинда яшаб, немис тили курсларида ўқийди ва ўрта маълумот олади. Сўнг хивалик Марям Султонмуродова билан бирга Дармштадт шаҳридаги ўқитувчилар семинариясига ўқишга киради. 1924 йил 2 сентябрь ойидаги “Туркистон” газетасининг 342-сонида Германияда ўқиётган туркистонлик талаба Саттор Жабборнинг мақоласи нашр қилинади. Унда Туркистон, Бухоро ва Хоразмдан Германияга таълим олиш учун борган ёшларнинг икки йиллик натижаларига тўхталиниб, гимназия, ўрта саноат мактаблари ва олий ўқув юртларида таълим олаётганликлари ҳақида маълумот

ТАРИХ

берган. Улар орасида ўзбек қизларининг ҳам борлигини фахр билан тилга олади [14].

Ўша вақтда Германияда фаолият олиб борган Ўзбекистоннинг Германиядаги маориф вакиллиги раиси Олимжон Идрисий томонидан талабаларга оид маълумотлар, уларнинг таълим жараёнидаги ўзлаштиришлари, иқтисодий таъминоти юзасидан Ўзбекистон ҳукуматиға маълумот бериб турилган. 1925 йил 29 декабрда Дармштадт шаҳридаги педагогика семинарияси директори Виктория томонидан берилган маълумотда Хайринисо Мажидхонова 1925 йил 5 декабрда топширган имтиҳонлари натижаси куйидагича бўлган:

Немис тили – қониқарли
Турк тили – қониқарли
Рус тили – яхши
Тарих – қониқарли
География – қониқарли
Математика – қониқарли
Химия – қониқарли

Унинг натижалари умумий равишда “қониқарли” ҳисобланиб, имтиҳондан ўтганлиги ҳақида маълумот берилган [15]. У ушбу таълим муассасасида 1927 йилгача таҳсил олган. Архив ҳужжатларида берилган маълумотга кўра Хайринисо Мажидхонова 1927 йилда 21 ёшда бўлиб Дармштадт ўқитувчилар семинариясини тамомлаб, амалиёт билан машғул бўлган [16]. У муаллимлар семинариясини тамомлагач, бир муддат амалиёт ўтайди. Сўнг Берлинга келиб, тиббиёт курсида ҳам таълим олади. Медицина соҳаси бўйича Европа илмини ўрганайди.

Хайринисо Мажидхонова 1927 йили, ёзги таътил вақтида Марям Султонмуродова билан бирга Парижга саёҳатга боради. Улар Парижнинг кино, театр сингари маданият ўчоқлари билан танишадилар. Берлинга қайтгач, Хайринисо бир неча муддат Австриянинг Вена шаҳрида ҳам бўлади. Бироқ юртга қайтгач, бу саёҳат Хайринисога қимматга тушади. Германияда олти йил давомида таълим олган Хайринисо 1928 йилда Ўзбекистонга қайтади.

“Хуррият” газетасининг 2005 йил 7 декабрь сонидagi мақолада ёзилишича, “Хайринисо Мажидий Тошкентга қайтиб келгач, унга дурустроқ бир лавозим берилмайди. У турли ташкилотларда ишлади. Ана шу орада Германияда олган билимларини чуқурлаштириш учун Ўрта

Осиё Тиббиёт институтига кириб, 1935 йил тамомлаб малакали шифокор дипломини олади” [17]. Сўнг касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси ходимлари жумҳурият бошланғич ва ўрта таълим ўқитувчиларининг дам олиш уйида шифокор бўлиб ишлайди. Унинг Европа тиббиётидан олган билимлари, машхур немис олимлари ва врачларидан ўрганган тажриба ва малакалари касалларни даволашда унга қўл келади.

Хайринисо Мажидхонова 1937 йил 13 сентябрда тўсатдан қамоққа олинган. Унга Германияда ўқиган йилларда муҳожирликда бўлган Туркистоннинг аксилинқилобий кучлари томонидан тузилган “Озод Туркистон” номли аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлган, 1928 йилда шу ташкилотнинг топшириқлари билан СССРга жосус бўлиб келган, СССРдаги ўша ташкилот аъзолари билан мулоқотда бўлган, деган айблар қўйилган [18,117].

Сўроқда ундан Берлиндаги туркистонлик талабаларнинг Мустафо Чўқаев, Аҳмад Заки Валидий ва Аҳмад Наим иштирокидаги йиғилишларида нималар бўлганлиги, мажлислар қачон ўтказилганлиги, кимлар иштирок қилганликлари сўралади. Ўз халқига ҳалол хизмат қилишни ният қилган Хайринисо Мажидхонова терговчининг барча саволларига тўғри ва аниқ жавоб беради. Мустафо Чўқаев, Заки Валидий, Аҳмад Наимлар билан учрашувлари, талабаларнинг ўзаро тўпланиб, учрашиб, суҳбатлашиб туришлари, юртдошлар ўртасидаги табиий муносабат турмуш эҳтиёжи эканини, Туркистондаги аҳвол ва унинг истиқболи талабаларни қизиқтириши ва бу ҳақда ўзаро фикр алмашишлари ҳам одатдаги ҳол эканини тушунтиради. Ҳеч нарсадан гумонсирамай учрашувларда иштирок этган талабалар Вали Қаюм, Тўлаган Мўмин, Султон Матқул, Соттор Жаббор, Темир Казбековларнинг номларини тилга олади. Ҳатто совет ҳокимиятидан норозилик руҳидаги гаплар бўлганлигини ҳам яшириб ўтирмайди. У терговдаги бу жавобларининг ўзига қарши ишлатилишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Терговчининг саволларига рўй-рост жавоб берган.

Айбланувчининг бу сўзлари қанчалик самимий айтилгани ва унинг хатти-

ҳаракатида бирорта айбнинг бўлмаганига қарамасдан, тергов ва қийноқлар бир йилдан ортиқ давом этади ва шу жараёнда унинг бўйнига қўйилган айблар бирор далил билан исботланмайди. Шунга қарамай, СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг Алексеев бошчилигидаги сайёр сессияси 1938 йил 9 октябрда Тошкентда ғайриқонуний равишда Хайринисо Мажидхоновани ЎзССР Жиноят Кодексининг 62; 64 ва 67- моддалари бўйича айбдор ҳисоблаб, олий жазога ҳукм қилади [18.120].

Шу тариқа Германияда ўқиб мамлакат учун чин дилдан хизмат қилиш мақсади билан ортига қайтган ўзбек қизи совет ҳокимиятининг қатағон қурбони бўлди. Унинг аянчли тақдири оила аъзоларига ҳам таъсир этмай қолмади. Х.Мажидхонованинг ота-онаси ҳам оғир қийинчиликларни бошидан кечирди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунига қадар унинг тақдири мавҳумлигича қолди. Ниҳоят, 1999 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари имзоси билан Хайринисо

Мажидхонованинг оқланганлиги ҳақидаги қоғозни олиш билан унинг беғуноҳ эканлиги исботланди.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 20-йилларида миллий кадрлар тайёрлаш учун Европанинг олий таълим муассасаларига ёшларни юбориш Туркистон учун катта аҳамиятга эга эди. Бу вазифа муваффақиятли амалга ошди. Натижада бир қанча маҳаллий ёшлар Германияда таълим олди. Улар орасида ўзбек қизларининг ҳам борлиги ўз замонасининг катта ютуқларидан эди. Марям Султонмуродова, Хайринисо Мажидхонова каби қизлар ўқишларини тамомлагач, Ўзбекистонга қайтиб, мамлакат тараққиёти йўлида хизмат қилдилар. Бироқ совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати натижасида Ўзбекистонга қайтган ёшлар қатори Х.Мажидхонованинг тақдири ҳам аянчли яқун топди. У совет ҳокимиятининг қатағон қурбони бўлди. Бугунги кунда тарихий адолатнинг тикланиши натижасида уларнинг пок номлари тарих саҳифаларидан жой олмоқда.

Адабиётлар:

1. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. –Т., 1992.; Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар // Шарқ юлдузи. 1993. 3-сон.; Қор қўйнида лолалар. Т., 2001.; Улар Германияда ўқиган эдилар. Қайта ва тўлдирилган нашри. –Т., 2006.
2. Ўз МА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 1380-исх, 313-варақ.
3. Қор қўйнида лолалар. /Масъул муҳаррир: Б. Шарипов. –Т., 2001.
4. Ўз МА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 1380-исх, 410-варақ.
5. Ўз МА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 1332-исх, 16-17-варақлар.
6. Ўз МА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 1380-исх, 491-варақ.
7. Ўз МА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 1380-исх, 323-варақ.
8. Ўз МА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 1380-исх, 341-варақ.
9. Ўз МА. Р-34-фонд, 1-рўйхат, 1380-исх, 354-варақ.
10. Сулаймон А. Истикбол учун кураш // Қизил байроқ. 1922 йил 2 сентябрь.
11. Мажидхон. Билим йўлида. Қўпайсин дейман // Туркистон. 1922 йил 18 декабрь.
12. Ўз МА. Р- 25-фонд, 1-рўйхат, 529-исх, 214-варақ.
13. Ўз МА. Р-56-фонд, 1-рўйхат, 224-исх, 45-варақ.
14. Эртой. Германияда Ўрта Осиё талабаларининг икки йили // Туркистон. 1924 йил 2 сентябрь.
15. Ўз МА. Р-94-фонд, 1-рўйхат, 475-исх, 37-варақ.
16. Ўз МА. Р-94-фонд, 1-рўйхат, 473-исх, 72-варақ.
17. Аҳмад С. Хайринисо // Ҳуррият. 2005 йил 7 декабрь.
18. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. –Т., 2006.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)